Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 193 (8683). ● 9 октябрь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# 3.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

# ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

**8 октябрь куни Ўзбекистон партия-хўжалик активи йиғилиши бўлди. 1986 йил ва ўн иккинчи беш йилликда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашнинг йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди.**

Йиғилишда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари партия ташкилотларининг секретарлари, министрликлар, идораларнинг, бир қанча корхоналар, бирлашмалар, қурилиш ташкилотларининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, совет, касаба союз, комсомол органлари, халқ контроли, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Ўзбекистон ССР Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров, Тошкент область ижроия комитетининг раиси А. Б. Саидхўжаев, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Д. С. Ёдгоров, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. А. Абдураҳмонов, Ўзбекистон ССР маориф министри О. С. Аббосова, Тошкент ГРЭСи энергоблокининг катта машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Й. Муслимов, Ўзбекистон ССР қурилиш министри Ф. Г. Потуремский иштирок этдилар.

Йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, ҳозир партия, бутун халқ КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган масъулиятли бир даврда яшаб, меҳнат қилмоқда. Бу съезд мамлакатни ривожлантиришда катта босқич бўлиб қолади. Съездгача янги таҳрирдаги партия Программасини қабул қилиш, навбатдаги вазифаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда истиқболдаги йўлни белгилаб олиш керак. КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида ва июнь ойида КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишнинг принципиал йўллари белгиланди. Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда мамлакатни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш асосий йўналишлари бўлажак съезднинг энг муҳим ҳужжатларидан бири бўлиб қолади. Асосий йўналишлар йиллик планларда конкретлаштирилади. Асосий йўналишларнинг лойиҳасида белгиланган марраларга эришиш экономикани ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилишини, совет кишиларининг моддий ва маданий талаб-эҳтиёжлари қондирилишини, Ватаннинг мудофаа қудрати янада мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида катта, масъулиятли вазифалар турибди. Халқ хўжалигининг иши ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилидаёқ мумкин қадар кўпроқ самарали бўлиши, зарур суръатга эришиши, партиянинг экономикани ривожлантиришда туб бурилишни таъминлаш соҳасидаги йўл-йўриқларини амалда рўёбга чиқаришнинг масъулиятли босқичи бошланиши бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун республикада барча шарт-шароитлар мавжуд. Юксак даражада ривожланган фан-техника потенциали: кўп тармоқли индустрия, замонавий қурилиш базаси, ривожланиб бораётган агросаноат комплекси бор. Ўзбекистонда масъулиятли мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юз минглаб малакали мутахассислар ишлаб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларига мувофиқ кадрларга нисбатан талабчанлик кучайганлиги, топширилган иш учун уларнинг масъулияти оширилганлиги, ҳамма жойда интизом ва тартиб мустаҳкамланаётганлиги, салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Одамлар яхшироқ меҳнат қилиб, ишлаб чиқилган тадбирларни рўёбга чиқариш учун актив курашмоқдалар.

Амалга оширилаётган ишлар сезиларли натижаларни бермоқда. Бу йил ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 4,7, миллий даромад эса 4,5 процент ошади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш барқарор кўпайтириб борилмоқда. Шу йил 22 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Шуниси диққатга сазоворки, ҳозир саноат ишлаб чиқаришини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари беш йилликнинг аввалги йилларига қараганда анча юқоридир.

Нотиқлар Ўзбекистон экономикасининг аграр секторида, аввало пахтачиликда ижобий силжишлар рўй берганлиги тўғрисида гапирдилар. Икки йилдан буён республикада хўжаликлар билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби амал қилмоқда. Пахтанинг сифатига, ундаги толага қараб ҳақ тўлашга ўтилганлиги маҳсулот хилини яхшилашга, хом ашёни сақлаш ва қайта ишлаш вақтида нобуд бўлишини кескин камайтиришга кўмаклашмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик топшириқларини анча ошириб бажариш кўзда тутилмоқда, шуниси жуда муҳимки, болаларга мўлжалланган моллар ишлаб чиқариш қарийб икки баравар кўпаяди. Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, ҳали ҳамма ишлар ҳам бажарилган деб бўлмайди, эришилган натижалар билан қаноатланиб қолиш мумкин эмас. Баъзи жойларда иш суръатини сусайтиришга интилиш ҳоллари пайдо бўлган. Кўпгина корхоналар ва ҳатто баъзи тармоқлар ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминловчи натижаларга эриша олмадилар. Саноат буюмларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг айрим турларини харид қилиш топшириқлари бажарилмаяпти. Транспорт ишида муайян беқарорлик намоён бўлмоқда, чакана товар обороти, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш топшириқлари бажарилмаяпти.

Ҳозирги босқичда меҳнаткашларнинг ва аввало раҳбар кадрларнинг диққат-эътиборини амалий ишлаб чиқариш проблемаларига, ана шу проблемаларни ҳал этишда, ҳамма жойда талабчанлик руҳини мустаҳкамлашда ҳар бир кишининг шахсий роли ва масъулиятини белгилашга қаратиш партия комитетларининг ғоят муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

1986 йилги план лойиҳасининг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантириш асосий йўналишларининг топшириқларига мувофиқлиги унга баҳо беришда асосий мезон бўлмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир министрлик ва идора, ҳар бир меҳнат коллективи контрол рақамларга мажбурий ва сўзсиз эришиши керак. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида талайгина фойдаланилмаган имкониятлар бор. «Ташсельмаш», Чирчиқ трансформатор, Тошкент трактор, «Средазкабель», «Узбекрезинотехника» каби заводлар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати, бошқа кўпгина корхоналар меҳнат коллективларининг оширилган социалистик мажбуриятлари шундан далолат беради. Бу мажбуриятларнинг реаллиги ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, маънавий ва физик жиҳатдан эскириб қолган машина ва ускуналарни алмаштириш, илғор технология жараёнларини татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш сифатини, механизациялаш даражасини ошириш ҳамда техника тараққиётининг бошқа бир қанча йўналишлари бўйича чуқур ўйланган тадбирларга асосланган. Бироқ бу соҳада ҳал қилинмаган бир қанча масалалар бор. Кўпгина раҳбарлар маҳсулот ишлаб чиқаришни корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш йўли билан эмас, балки янги объектлар қуриш ҳисобига кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Шундай ҳам бўладики, қурилиш ишлари ҳали тугалланмагани ҳолда, хўжалик ходимлари реконструкция ишларини бошлаб юборишни талаб қиладилар. Жиззах аккумулятор заводида шундай бўлди. Бундай нобоп практикага қарши актив кураш олиб бориш лозим. Энг янги техника, жумладан саноат роботлари ва манипуляторларига хизмат кўрсатувчи кадрлар проблемаси ҳам республикада кескин бўлиб қолмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмини оширишнинг муҳим резерви — ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга ва шу асосда экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Республика саноатида бу йил қувватлардан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабаблигина салкам беш юз миллион сўмлик маҳсулот кам олинди.

Хўжалик механизмини такомиллаштира бориб, ҳамма жойда ва ҳар ишда ғоят қаттиқ тежамкорликка эришиш зарур. Давр талаби шундай. Аммо айрим министрликлар, бирлашмалар, хўжаликлар хом ашё, ёқилғи ва энергияни тежаш топшириқларини бажариш у ёқда турсин, балки, ҳатто план нормаларига ҳам эришмаяптилар, маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий харажатлар ортиқча сарфланишига йўл қўймоқдалар. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш проблемаси ҳамма жойда ҳам ҳал этилмаяпти, бу ишда тегишлича контроллик йўқ.

Меҳнат коллективлари шу йил икки кун тежаб қолинган материаллар, хом ашё ва ёқилғи ҳисобидан ишлаб бериш мажбуриятини олганликлари учун ҳам меҳнат унумдорлигини пасайтирувчи нобудгарчиликларга қарши шафқатсиз кураш эълон қилиш, интизомни тубдан яхшилаш муҳимдир. Бу эса республика миқёсида моддий харажатларни 189 миллион сўм камайтириш имконини беради.

Йиғилишда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш энг муҳим проблемаларнинг бири деб айтилди. Бу йўналишда бажарилаётган ишлар шу куннинг талабларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг кўрсатмаларига тўла мос келаётгани йўқ. 1986 йилги план лойиҳасида бу масала ўз ифодасини топиши зарур.

Министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналар техникадан яхшироқ фойдаланиш, ходимларнинг малакасини ошириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларини кенг жорий этиш тадбирларини кўзда тутишлари лозимлиги уқтириб ўтилди. Иш жойларининг аттестациядан ўтказилаётганлиги ишлаб чиқариш қувватларидан, машина ва ускуналардан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Иш ҳақининг конкрет меҳнат натижаларига қатъий мос келишига эришиш, моддий рағбатлантириш системасида бир текисликка йўл қўймай қаттиқ тартиб ўрнатиш, бунда социал адолат принципларига қатъий риоя этиш муҳимдир. Афсуски, хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳамма жойда ҳам зарур самарани бермаяпти.

Йиғилишда республика корхоналарининг кенг миқёсли иқтисодий экспериментда иштироки тўғрисидаги масалаларга катта эътибор берилди. 1986 йилдан бошлаб яна 900 та корхона хўжаликни юритишнинг янги методларига ўтказилади. Келгуси йилги ва ўн иккинчи беш йиллик плани тузилаётган ҳозирги пайтда бунинг асоси яратилмоқда. Янги методлар корхоналарнинг ўз имкониятларини намоён этишлари учун ишлаб чиқариш жараёнининг барча бўғинларини рационализациялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши лозим. Қабул қилинаётган топшириқларнинг тиғизлиги хўжалик кадрлари ҳозирги талабларни қанчалик тушуниб етганликларининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Агросаноат комплекси самарадорлигини ошириш партия тинимсиз ғамхўрлик қилаётган соҳадир. Ўн биринчи беш йиллик мобайнида республиканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 13 миллиард сўмдан кўпроқ давлат капитал маблағи сарфланди, асосий фондлар қиймати учдан бир ҳисса ошди. Бироқ хўжаликни интенсив асосда юритиш имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. М. С. Горбачев Целиноградда ўтказилган кенгашда қайд этиб ўтганидек, Ўзбекистонда фонд билан таъминлаш сезиларли равишда ошганлигига қарамай, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмларининг пасайиб кетишига йўл қўйилган. Асосий фондларнинг 1 сўми ҳисобига олинаётган маҳсулот ўтган беш йилликка нисбатан қарийб икки баравар камайиб кетди, капитал маблағларнинг 1 сўми ҳисобига маҳсулотнинг ўсиши эса 71 тийиндан 28 тийинга тушиб қолди. Ҳар бир хўжалик учун планлар ишлаб чиқаришнинг эришилган даражасини, алмашлаб экишнинг тўла ўзлаштирилганлигини, айниқса, асосий бойлигимиз — ерга сифатли баҳо беришни ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши лозим.

Вазифа республиканинг агросаноат комплекси эга бўлган барча нарсалардан юксак самара олинишини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишини таъминлашдан иборат. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини бутун чоралар билан механизациялаш, юқори унум билан ишлаш борасидаги мавжуд тажрибадан кенг фойдаланиш — ушбу вазифани ҳал этиш калитидир. Ҳолбуки, қўл меҳнати улуши ҳамон юксак даражада қолмоқда. Пахтачиликда бу аввало шунинг учун содир бўлмоқдаки, кўпгина хўжаликларда энг сермеҳнат ва муҳим технология жараёни — машина теримига эътибор қилмасликдек яроқсиз иш ҳамон давом этиб келмоқда. Орттирилган тажриба шундан далолат бермоқдаки, пахта териш машиналаридан самарали фойдаланилаётган жойларда йиғим-терим қисқа муддатларда тугалланмоқда, пахта юқори сортларга топширилмоқда, яхши иқтисодий натижаларга эришилмоқда. Чунончи, Ўрта Чирчиқ районидаги Й. Охунбобоев номли колхозда пахта тайёрлаш плани 12 кунда бажарилди, ҳосилнинг 95 проценти машиналарда териб олинди. Бундай мисоллар эса оз эмас.

Йиғилиш қатнашчилари республиканинг олимлари экономикани интенсивлаш даражасини оширишга доир конкрет таклифларни ҳозирча кам тақдим этаётганликлари, энг муҳим туб проблемаларга етарли эътибор берилмаётганлиги, илмий ечимлар даражаси пастлигича қолаётганлиги тўғрисида якдил фикр билдирдилар. Фан ва техниканинг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўпинча узоқ йилларга чўзиб юборилади. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга олимлар қўшадиган ҳисса анча кенг миқёсли ва салмоқли бўлиши лозим. Республикадаги областларни иқтисодий ва социал ривожлантириш даражаларини бараварлаштириш зарурлиги муҳим проблемалар қаторида уқтириб ўтилди. Қорақалпоғистонда, Жиззах ва Хоразм областларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти республикадаги ўртача даражага қараганда икки баравар кам ишлаб чиқарилмоқда. Планни мукаммаллаштиришда уларда ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантиришни кўзда тутиш лозим.

Ҳар бир министрлик бўйича «Б» группаси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришнинг илдам суръатларини таъминлаш 1986 йилги планга нисбатан умумий талаб эканлиги қайд этиб ўтилди. 1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программаси меҳнаткашларнинг ўсган талаб-эҳтиёжларини қондиришда бурилиш ясаши лозим.

Шу йилги план ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши, беш йилликни муваффақиятли туғаллаш биринчи навбатдаги вазифа сифатида айтиб ўтилди. Бу вазифа бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг диққат марказида турибди. Шу ҳисобот-сайлов йиғилишларида якунлар чиқарилиб, коммунистларнинг эътибори фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш проблемаларига қаратилмоқда.

Қабул қилинган резолюцияда республика коммунистлари, меҳнаткашлари уюшқоқлик ва интизомни кучайтира бориб, фидокорона меҳнатлари билан план топшириқлари тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлайдилар, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилида муваффақиятли ишлаш учун пухта замин ҳозирлайдилар, КПСС XXVII съездини, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### ҒАЛАБАЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЛАБАСИ

**Ғалаба райони механик-ҳайдовчилари областда биринчи бўлиб машина терими планини бажардилар. «Зангори кема»лар ёрдамида пландаги 37 минг 300 тонна ўрнига 38 минг 455 тонна пахта териб олинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан машиналар бункеридан 450 тонна кўп пахта тўкилди.**

**Райондаги Свердлов номли, «Заря коммунизма», Энгельс номли, «Победа» колхозлари ҳамда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчилари терим агрегатларини юксак унум билан ишлатиб, бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликлардаги кўпгина бригадаларда йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Асосий ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди.**

**Айни кунларда ҳам ғалабалик механизаторлар суръатни пасайтиришмаяпти. Далаларда 412 та терим машинаси юқори унум билан ишлатилмоқда. Ўтган куни «зангори кема»ларнинг ҳар бирида ўртача 5,1 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинди.**

### ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

**● БЎКА. «Кремль» совхозининг А. Тешаев бошлиқ бригадаси пахтакорлари мавжуд 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24 ўрнига 31 центнердан ҳосил олиб, мажбуриятларини бажаришди. Қабул пунктларига топширилган жами 315 тонна «оқ олтин»нинг 95 проценти машиналарда терилди.**

**Шунингдек, Тимирязев номли колхознинг М. Қурбонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам айни кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда. Ҳозиргача 74 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олган бригада миришкорлари ҳосилдорликни 38 центнерданга етказишмоқчи.**

**Коллективнинг бу меҳнат муваффақиятига механик-ҳайдовчилардан Ў. Турсунқулов, М. Хўжамовлар муносиб ҳисса қўшдилар.**

### 40 ЦЕНТНЕРДАНГА ЕТАДИ

● ЧИНОЗ. К. Маркс номли колхозда йиллик планини муддатидан илгари бажарган бригадалар сони ортиб бормоқда. Ўтган куни Х. Суннатов бошлиқ бригада коллективи ҳам маррага етди. Мавжуд 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бригада механизатори Р. Абдуллаев «зангори кема» бункеридан 103 тонна пахта тўкди. Мавсумда 7—8 тоннадан пахта теришга аҳд қилган М. Ҳакимова, М. Суннатова сингари чеварлар кунлик нормаларини икки-уч ҳисса бажармоқдалар.

Далаларда ҳали ҳосил мўл. Ўз имкониятларини чамалаб кўрган бригада пахтакорлари ҳосилдорликни 35 центнерданга етказиб, жами 162 тонналик хирмон уйишмоқчи.

Шу райондаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Ж. Кўпгасаров бошлиқ бригадаси ишчилари пландаги 140 ўрнига 144 тонна пахта топшириб, йиллик планларини ортиғи билан бажаришди.

Бригада аъзолари пахта ҳосилдорлигини 40 центнерданга етказиш учун курашни янада авж олдирмоқдалар.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 8 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун —мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ғалаба | 4,15 | 73,30 | 5,73 | 103,10 |
| Чиноз | 2,86 | 71,40 | 2,88 | 61,39 |
| Янгийўл | 3,63 | 66,14 | 3,25 | 66,05 |
| Оққўрғон | 3,80 | 64,48 | 4,06 | 77,36 |
| Бўка | 3,97 | 61,20 | 4,15 | 70,86 |
| Коммунистик | 5,24 | 60,05 | 7,10 | 81,38 |
| Ўрта Чирчиқ | 4,47 | 58,91 | 5,28 | 68,78 |
| Пискент | 5,68 | 50,24 | 5,99 | 50,43 |
| Бекобод | 3,06 | 48,92 | 2,57 | 38,43 |
| Область бўйича: | 4,03 | 60,99 | 4,47 | 68,63 |

**Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида) Хоразм — 67,78; Фарғона — 67,48; Бухоро — 61,43; Наманган— 61,01; Андижон 54,88; Қорақалпоғистон АССР — 54,67; Навоий — 51,49; Сурхондарё — 51,34; Самарқанд — 44,40; Сирдарё — 34,73; Жиззах — 34,38; Қашқадарё — 32,57; республика бўйича — 52,02.**

# 1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ*)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси иқтисодий стратегияни изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни яратиш бу стратегиянинг олий мақсадидир. Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун деган программавий қоида тобора чуқур ва конкрет мазмун билан бойимоқда.

Совет кишиларининг маънавий турмуши хилма-хил бўлиб, уларнинг билим олишдаги, маданий ва жисмоний камол топишдаги имкониятлари кенгайди. Уй-жой проблемаси муваффақиятли равишда ҳал этилмоқда. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари йил сайин ошмоқда, уларнинг харид қобилияти ўсмоқда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари, маданий-маиший ва рўзғор буюмлари билан таъминлаш яхшиланмоқда, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ошмоқда.

Халқ фаровонлигини янада юксалтириш партиянинг энг муҳим программавий талаби бўлиб, унинг социал-иқтисодий сиёсати ўзагини ташкил этади. Шу мақсадга реал эришиш ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш ва такомиллаштириш билан, унинг самарадорлигини ошириш, совет кишиларининг социал ва меҳнат активлиги ўсиши билан таъминланади.

## I. 1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программасининг асосий қоидалари ва вазифалари

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган комплекс программаси 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантириш асосий йўналишларининг таркибий қисмидир.

Фан-техника тараққиёти негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасида партия ўртага қўйган вазифага мувофиқ программа халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтиришни, уларнинг хилини ошириш ва сифатини яхшилашни ҳамда аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат ривожлантирилишини кўзда тутади, халқ хўжалиги барча тармоқларининг куч-ғайратини озиқ-овқат бўлмаган моллар ишлаб чиқаришни ва реализация қилишни, шунингдек маиший хизматни ривожлантириш соҳасидаги энг яқин ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қаратади.

Мол ишлаб чиқаришга ва аҳолига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган тармоқлар жадал ривожлантирилмоқда. Замонавий техника ва технологияни кенг жорий этиш асосида шу тармоқларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Мол ишлаб чиқаришни ҳамда маиший хизмат соҳасини машина-ускуналар, материаллар ва комплектловчи буюмлар билан таъминлаш яхшиланмоқда.

Газлама, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, аҳолининг барча турдаги мураккаб рўзғор техникаси билан ва хилма-хил хизматлар билан таъминланишини ошириш кўзда тутилмоқда. Бунда совет кишиларида оқилона талаб-эҳтиёжларни шакллантириш, уларда социалистик турмуш ва дам олиш маданиятини тарбиялаш, бўш вақтдан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб амалий ишлар олиб борилади.

*) Баёни босилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ КОМИТЕТИДА

8 октябрь куни Москвада СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг сессияси очилди. Сессия ишида Москва, Ленинград ва иттифоқдош республикаларнинг таниқли маданият арбоблари қатнашмоқдалар.

Сессияда 1985 йилги СССР Давлат мукофотларини олиш учун конкурсга қўйилган асарлар ва уларнинг жамоатчилик муҳокамаси якунлари кўриб чиқилади.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### ЎРТОҚ Қ. САПАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Қаландар Сапаев Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**О. САЛИМОВ.**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1985 йил 8 октябрь.

# 1986—2000 ЙИЛЛАРДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПЛЕКС ПРОГРАММАСИ

(Боши иккинчи бетда).

Маданият ва истироҳат боғларининг фаолиятини янада яхшилаш таъминланади. Бир қанча шаҳарлардаги маданият ва истироҳат боғлари ҳузурида тажриба-намуна аттракцион комплекслари ва бўш вақтни ўтказишнинг экспериментал марказлари вужудга келтирилади.

**Туризм-экскурсия хизматлари.** Совет кишиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг соғлигини мустаҳкамлашда ва маданий савиясини оширишда муҳим роль ўйнайдиган туризм-экскурсия хизматлари янада ривожлантирилишини таъминлаш вазифаси қўйилди. Туризм-экскурсия хизматларининг ҳажми 1990 йилда 48 процент ва 2000 йилда 3 баравар кўпайтирилади.

Туризм-экскурсия хизматларининг сифати оширилади, формалари ва турлари кенгайтирилади. Туристик муассасаларда меҳнаткашларга комплекс хизмат қилиш, шу жумладан уларни жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, экскурсия ва бошқа хизматлар яхшиланади. Ота-оналарнинг болалари билан биргаликдаги, шунингдек ёшларнинг, автоҳаваскорларнинг дам олиши ва походга чиқиши учун зарур шароитлар яратилади. Туризм хўжаликларининг иш мавсумини узайтириш ҳисобига, имкони бўлган жойларда эса уларни йил бўйи ишлатиш ҳисобига шу хўжаликлардан оқилона фойдаланиш таъминланади.

ВЦСПСнинг Марказий туризм ва экскурсиялар кенгаши системасида 170 минг ўринли туризм комплекслари, меҳмонхоналар, базалар ва кемпинглар, ВЛКСМ Марказий Комитетининг халқаро «Спутник» ёшлар туризми бюроси системасида 15,5 минг ўринли ёшлар марказлари, лагерлар, меҳмонхоналар қурилади. Туризм-экскурсия ташкилотларининг туризм ва спорт анжомлари ҳамда ашёларига, велосипедларга, қайиқларга, автомобиль прицепларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилади, уларни ижарага бериш кенгайтирилади.

Туризм мақсадлари учун темир йўл поездлари, автобуслар, денгиз ва дарё кемаларини, коммунал ва идоравий меҳмонхоналарни, ётоқхоналарни, умумий овқатланиш корхоналарини, спорт ва клуб муассасаларини ижарага олиш кенг одат тусига киритилади. Туристларга қўшимча хизмат қилиш учун турли министрликлар ва идораларнинг корхоналари активроқ жалб этилади.

**Физкультура ва спорт муассасаларининг хизматлари.**

Физкультура ва спорт муассасалари қиладиган хизматлар ривожлантирилади. Анъанавий хизмат (сиҳат-саломатлик ва умумий жисмоний тайёргарлик группалари, конькида фигурали учишни ўргатиш, бадиий гимнастика, сузиш ва бошқалар) билан бир қаторда хизматларнинг янги турлари жорий этилади. Истиқомат жойидаги соғломлаштириш комплекслари ва физкультура-соғломлаштириш комбинатлари кўпайтирилади, уларда аҳолининг жисмоний тарбия билан шуғулланиши кенг йўлга қўйилади. Яқин йилларда ҳар бир меҳнат коллективи ихтиёрида энг оддий спорт иншоотлари бўлишига эришилади. Ишлаб турган спорт муассасаларини анжомлар билан таъминлаш яхшиланади. Мавжуд спорт иншоотлари қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, улардан физкультура машғулотлари учун, шунингдек томошалар ўтказиш учун самаралироқ фойдаланилади.

**Санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларининг хизматлари.** Меҳнаткашларнинг соғломлаштирувчи дам олишга ва санаторий-курорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш таъминланади. Хизматнинг шу тури ҳажми 1990 йилда 25—30 процент ва 2000 йилда 2,3—2,5 баравар кўпайтирилади. Дам олувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлари эътиборга олиниб, улар учун хилма-хил қўшимча хизмат турлари ривожлантирилади. Санаторий-курорт муассасалари, пансионатлар, дам олиш уйлари ва базалар тармоғи кенгайтирилади, улар асосан инженерлик ускуналари ва ободлиги юқори даражада бўлган йирик объектлар тарзида қурилади. Соғломлаштириш муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишда ота-оналарнинг фарзандлари билан бирга дам олиш эҳтиёжи ошиб бораётганлиги эътиборга олинади.

Сибирда, Узоқ Шарқда, Грузия ССР, Озарбайжон ССРда, Ўрта Осиё республикаларида, Қозоғистон ССРда санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларини ривожлантириш жадаллаштирилиб, мамлакатнинг шу районларидаги табиий шифобахш омиллардан тўла-тўкис фойдаланиш назарда тутилади.

**Хўжалик ҳисобидаги даволаш-профилактика муассасаларининг хизматлари.** Бепул медицина хизматини ҳар томонлама ривожлантириш билан бирга аҳолининг талаб-эҳтиёжларини эътиборга олиб хўжалик ҳисобидаги даволаш-профилактика муассасаларининг хизмати кенгайтирилади. Хўжалик ҳисобидаги консультация-диагностика, стоматология, офтальмология муассасалари ва бошқа даволаш муассасаларининг тармоғи кенгайтирилади. Консультация ва диагностика ишига малакали медицина кадрларини жалб қилиш учун зарур шароитлар яратилади.

**Ҳуқуқ характеридаги хизматлар.** Аҳолига хизмат қиладиган юридик консультациялар ва нотариал конторалар ишининг савияси ва сифати оширилади. Юридик консультациялар ва нотариал конторaларнинг тармоғи кенгайтирилади, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, улар зарур ташкилий-техника воситалари билан ускуналанади. Аҳолига бевосита корхоналарда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда ҳуқуқ характеридаги хизматлар қилиш практикасини янада кенгайтириш учун шароит яратиш чоралари кўрилади.

**Давлат страхованиеси муассасалари ва омонат кассаларининг хизматларини** янада ривожлантириш таъминланади. Шахсий ва мулкий страхованиенинг амалдаги турлари такомиллаштирилади ва гражданларнинг талаб-эҳтиёжларига мос келадиган янги турлари жорий қилинади. Омонат кассалар системасида омонатчиларнинг савдо, маиший хизмат, коммунал корхоналари ва бошқа корхоналар билан ҳисоб-китоб операцияларини янада кенгайтириш кўзда тутилади, пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг қўшимча формалари жорий этилади. Пул маблағини жўнатиш, давлат заёмларининг облигацияларини, ҳужжатларни ва қимматбаҳо буюмларни асраш хизматлари ривожлантирилади. Омонат кассаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланади, операцияларни сифатли бажариш ва аҳолига хизмат маданиятини ошириш учун зарур шарт-шароит яратилади.

**Матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларининг, совхозлар ва колхозларнинг қиладиган хизматлари.** Матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотларининг аҳолига, аввало қишлоқ аҳолисига қилаётган хизматлари такомиллаштирилади ва бу хизматларнинг янги турлари ривожлантирилади. Шу хизматларнинг ҳажми 1990 йилда 70 процент ва 2000 йилда 2,5 баравар кўпайтирилади.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг гражданлар буюртмаларига мувофиқ томорқа участкаларидаги ерни ҳайдаб бериш, боғларни дорилаш, асбоб-ускуна ва боғ-полиз анжомларини ремонт қилиш ва техникавий қараш, етиштирилган ҳосилни сотиб бериш, транспорт ишлари ва бошқа ишларни бажариш сингари хизматларни ҳақ тўлаш эвазига адо этиш практикаси кенгайтирилади. Якка тартибдаги уй-жой биноларини қуриш ва ремонт қилишда, уларни ободонлаштиришда, маҳаллий хом ашёдан ёқилғи ва ишлаб чиқариш чиқитларини тайёрлаш ҳамда элтиб беришда ёрдам берилади. Шу хизматларнинг ҳажми 1990 йилда 75 процент ва 2000 йилда 2,6 баравар кўпайтирилади.

Колхозларга меҳнатчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантиришда, якка тартибда уй-жой қуришда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, уй-жой биноларини ва бошқа иморатларни ремонт қилишда ҳамда ободонлаштиришда уларга ёрдам бериш тавсия этилди.

## V. Фан-техника тараққиёти ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг ҳамда хизмат соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантириш

Партиянинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида экономикани ҳар томонлама интенсивлаш йўлига биноан Программада моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни ҳамда хизмат соҳасини ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги даражага эришишни таъминлаш кўзда тутилади. Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда хизмат соҳаси борасидаги амалий-илмий лойиҳалар даражасини фундаментал фанларнинг тадқиқотлари натижаларидан фойдаланиш асосида янада кенгайтириш ва ошириш тадбирлари кўрилади. Молларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжларнинг ривожланиши ҳамда шаклланиши қонуниятларини ва аҳолининг шу моллар ва хизматларга талабларини, социалистик жамиятда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга истеъмолнинг таъсири қонуниятларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади.

Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни, шунингдек аҳолига хизмат қилишнинг айрим турларини ривожлантиришнинг энг муҳим илмий-техникавий проблемаларига оид фундаментал ва амалий тадқиқотларни мувофиқлаштириб туриш, шу борадаги илмий ва лойиҳа-конструкторлик ишларини марказлаштириш мақсадида тегишли комплекс фан-техника программалари ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Илмий, конструкторлик ва технология ташкилотларининг, саноат корхоналарининг куч-ғайратлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасининг техникавий савияси ҳамда самарадорлигини оширишнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилади.

Янги техника, қайишқоқ ишлаб чиқариш модуллари ва системалари, меҳнат ва ресурсларни тежайдиган технологиялар, хом ашё ва конструкцион материалларнинг янги турларини яратиш ҳамда жорий этиш жадаллаштирилади. Технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришни таъминлайдиган машина ҳамда агрегатлар системасидан кенг фойдаланилади. Шу тармоқларга етказиб бериладиган асбоб-ускуналарнинг техникавий даражаси оширилади, комплектловчи буюмлар, деталлар ва узелларнинг сифати ҳамда пишиқ-пухталиги оширилади.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, корхона ва ташкилотларни замонавий серунум асбоб-ускуналар, машиналар, механизмлар билан таъминлаш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ва янги қувватларни ишга тушириш асосида моллар ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг ва хизмат соҳасининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилади.

Мавжуд йигириш ва тўқиш системаларини янада такомиллаштириш ва янги системаларни ишлаб чиқиш, робот техникаси воситалари ва микропроцессор техникасини қўлланишни ҳисобга олиб енгил саноатда автоматлаштирилган йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришларини вужудга келтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилади. Аралаш газламалар ишлаб чиқариш ва пардозлашнинг илғор технологияларини, нотўқима материаллар ишлаб чиқаришнинг физикавий-химиявий усулларини, трикотаж ва пойабзал ишлаб чиқаришнинг кам чиқитли технологияларини, кийим ва пойабзални автомат конструкциялаш ҳамда моделлаш системаларини, шунингдек уларни тайёрлаш учун программа асосида бошқариладиган серунум линияларни яратиш жадаллаштирилади.

Енгил саноат учун юқори тезликдаги пневмомеханик йигирув машиналари, шунингдек электрон бошқарув системали мокисиз тўқув станоклари ишлаб чиқаришга ўтилади. Мана шу машина-ускуналарнинг жами ҳажмида мазкур машина ва станокларнинг салмоғи 2000 йилда икки ҳисса кўпайтирилади. Пахта, жун, зиғир толаси, химиявий тола ва уларнинг аралашмасидан калава тайёрлашнинг автоматлаштирилган, кам чиқитли технологиялари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилади, бу асбоб-ускуналар меҳнат унумдорлигини 2—2,5 баравар оширишни таъминлайди.

Бўяш-пардозлаш ишлаб чиқариши учун, нотўқима материаллар, трикотаж буюмлар ва сунъий чарм тайёрлаш учун янги асбоб-ускуналар, жун, хом ипак ва зиғир толасини дастлабки қайта ишлайдиган, киғиз, зиғир, каноп, мўйна ва чинни-фаянс саноатида ишлатиладиган асбоб-ускуналар системаларини ишлаб чиқиш жадаллаштирилади ва уларни ишлаб чиқариш таъминланади. Пойабзал ва чарм-галантерея материалларини бичишни программалайдиган асбоб-ускуналар, шунингдек кўп операцияларни бажарадиган агрегатлар ва пойабзал тайёрлаш учун яримавтомат линиялар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Илмий ва конструкторлик ишларини ўтказиш янги конструкцион материаллар ва техникани қўлланиш асосида юқори сифатли маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар яратишга қаратилган. Телевизорлар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонларнинг ҳамда сигнални рақамлар ёрдамида тартибга соладиган бошқа рўзғор радиоэлектр аппаратларининг янги турларини яратиш вазифаси қўйилди. Янги усуллар ва принциплар асосида фотосуратга оладиган, шу жумладан фотосуратга олинганидан кейиноқ дарҳол позитив суратлар босиб чиқарадиган системалар ишлаб чиқилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, шундай моллар тайёрлашни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун шу тармоқларнинг хом ашё базасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларни зарур ресурслар билан мустаҳкам таъминлаш кўзда тутилади.

Пахта ва ипак хом ашё ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини анча яхшилаш, йигирув хоссалари яхшиланган каноплинг серҳосил навларини етиштиришни кўпайтириш, жун нуқсонларини камайтириш, чарм ва пўстин-мўйна хом ашёсини тайёрлаш ва дастлабки қайта ишлашни яхшилаш тадбирларини амалга ошириш лозим.

Юқори сифатли буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган химия хом ашёси ва материалларининг замонавий турларини жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Тайёр буюмларни пардозлаш ва уларни харидоргир қилиш учун химиявий тола ва ип кўплаб ишлаб чиқарилади, бўяш материаллари ва препаратлар ишлаб чиқариш кенгайтирилади.

Савдонинг моддий базасини техникавий жиҳатдан жадал қайта жиҳозлаш таъминланади. Сермеҳнат жараёнларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, товар ҳаракатининг технологик схемасини такомиллаштириш, омборхоналарнинг фойдали ҳажмларидан энг кўп даражада фойдаланиш, уларни стеллажлараро штабеллерлар, контейнерлар, поддонлар ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозлаш йўли билан ишлаб турган чакана ва улгуржи савдо корхоналари ишининг самарадорлиги оширилади.

Товарлар сифатини сақлаш ҳамда уларнинг нобуд бўлишини камайтириш, савдо маданиятини ошириш, харидорларнинг вақтини тежаш, меҳнат сарфини камайтириш мақсадида товарларни ўраш ва жойлаш ҳамда саноат йўли билан қадоқлаш, озиқ-овқат бўлмаган товарларни жойлаш учун идишлар ва материаллар ишлаб чиқариш тадбирлари белгиланади.

Товар ишлаб чиқаришнинг умумий ўсишига нисбатан уларни майдароқ ҳажмларда қадоқлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилади. Товарларни ўраш сифати ва пухталиги, унинг бадиий безаги яхшиланади, товарларни жойлайдиган ва қадоқлайдиган техника ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга, аҳолига хизмат қилишнинг форма ва шароитларини такомиллаштиришга, бу тармоқлардаги ишларни механизациялаш ва автоматлаштиришга, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга оид илмий тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига хизматнинг юксак даражада механизациялаштирилишини ва сифатли бажарилишини таъминлайдиган машиналарнинг махсус системасини ишлаб чиқиш ва етказиб бериш кўзда тутилади. Ҳажми кичкина, осонлик билан кўчириб юриш мумкин бўлган ва тез қайта созланадиган ускуналар ишлаб чиқариш кўпаяди. Машиналар, ускуналар, асбоблар, диагностика ва техникавий жиҳозлаш воситалари ишлаб чиқариш кўпаяди. Ушбу корхоналарни юқори сифатли хом ашё ва материаллар билан, зарур химикатлар билан таъминлаш яхшиланади.

Шаҳар пассажир транспортининг ремонт-эксплуатация базаси янада ривожлантирилади. Йўл ҳаракатини автомат тарзда бошқариш ва созлаш системалари, шунингдек, шаҳар пассажир транспортининг ер устида юрадиган ҳамма турларида марказлашган диспетчерлик бошқаруви жорий этилади.

Маданият муассасалари объектлари, шаҳар ва район маданий-спорт комплекслари объектлари учун ускуналар тайёрлашга, парк аттракционлари ва ўйин автоматлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, туристик экскурсия, санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Иқтисодий ва социал тараққиёт планларида халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш юзасидан программада белгиланган топшириқларини бажариш учун зарур капитал маблағ ва моддий ресурслар ажратиш кўзда тутилади. Ажратиладиган маблағлар биринчи галда корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга, тармоқлараро номутаносибликларни бартараф этишга, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга сарфланиши лозим.

Енгил саноатда ип газлама ва аралаш газламалар, трикотаж ва кийим-кечак, нотўқима материаллар, чарм-пойабзал саноати буюмлари ишлаб чиқариш қувватларини ўстиришга алоҳида эътибор берилади. Кўзда тутилган қувватларни ишга тушириш учун конкрет топшириқлар белгилаб қўйилди. Маҳаллий саноатда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва ишлаб чиқариш маданиятини анча ошириш, қўл меҳнати сарфини бирмунча камайтириш, товарлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, талабнинг ўзгаришига мувофиқ тарзда ишлаб чиқаришни ўз вақтида қайта қуриш учун шароитлар яратиш кўзда тутилади.

Саноат тармоқлари «А» группасининг илмий-техника потенциалидан, уларнинг технологияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасидан маданий-маиший рўзғорбоп мураккаб техника товарлари ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда яна ҳам кенгроқ фойдаланиш, шу мақсадда ҳамма корхоналарда ихтисослашган цехлар ва участкалар барпо этиш вазифаси қўйилди.

## VI. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларни ишчи кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш

Программада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш, хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқларнинг кенг профилдаги малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш тадбирлари белгиланди. Ўн иккинчи беш йилликда енгил ва маҳаллий саноат, савдо ва умумий овқатланиш, уй-жой-коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари учун ҳунар-техника билим юртларида 2,1 миллион ишчи ва бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида 3,9 миллион ишчи тайёрланади.

Ишчи кадрлар тайёрлаш учун моддий-техника базаси янада ривожлантирилади ва мустаҳкамланади, ҳунар-техника билим юртлари шохобчалари кенгайтирилади.

Савдо ва маиший хизмат соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган ҳунар-техника билим юртларини умумий таълим мактабларини битириб чиққан ёшлар билан комплектлашда, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг юқори синфларда ана шу тармоқлар учун оммавий касб-ҳунарни эгаллаши билан боғлиқ меҳнат таълимини кучайтиришда халқ маорифи органларининг роли оширилади. Ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун ўқув-моддий базасини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда саноат, савдо ва маиший хизмат корхоналарининг иштироки кенгайтирилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган, савдо ва хизмат соҳалари корхоналарининг олий ва ўрта махсус маълумотли юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш кўзда тутилади. Дизайнерлар, модельерлар, безовчилар, аҳолининг моллар ва хизмат турларига бўлган талабини ўрганиш ва олдиндан аниқлаш билан банд бўлган мутахассислар, шунингдек, меҳмонхона, туристик ва экскурсия хизмати мутахассисларини тайёрлашга эътибор кучайтирилади.

Ходимлар, шу жумладан, раҳбар ходимлар малакасини ошириш, уларнинг бошқариш, планлаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор методларини, фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш системасини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Корхоналарда меҳнат нормаларини илмий асослаш даражасини ошириш, янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш тавсия қилинди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, оқилона иш режимларини қўлланиш, касб ва меҳнат функцияларини биргаликда бажариш кенгайтирилади. Гражданларнинг асосий иш вақтидан бўш пайтларида касаначилик меҳнатидан кенг фойдаланилади, уй бекалари, студентлар, пенсионерлар, инвалидлар тўлиқ бўлмаган иш куни ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси шароитида ишга янада актив жалб этилади.

Моллар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимлар меҳнатининг обрў-эътибори оширилади. Уларда топширилган иш учун масъулият туйғуси кучайтирилади. Ҳар бир киши ўз иш жойида виждонан ва тўла самара билан ишлашига эришилади. Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшиланади ва унинг таъсирчанлиги оширилади. Кадрларнинг ўрнашиб қолиши, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва уларнинг социал-маиший шароитини яхшилаш масалаларига эътибор кучайтирилади.

## VII. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг асосий вазифалари

Ҳар бир иттифоқдош республика ўз территориясида комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлаб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан программада белгиланган топшириқларни амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиши зарур. Тегишли территорияда жойлашган барча корхоналар ўзларининг қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, мана шу вазифаларни ҳал этишда қатнашишга жалб қилинади.

Программа топшириқларини амалга ошириш давомида:

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг энг кўп даражада иш билан таъминланиши, капитал маблағлардан оқилона фойдаланиш, янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларига эга бўлган мавжуд корхоналарнинг районларда филиаллари ва цехларини янада кенгроқ ташкил этишни;

хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, маҳаллий хом ашё ва айниқса, иккиламчи ресурсларни актив жалб этишни;

меҳнат унумдорлигини ошириш, қўшимча меҳнат ресурсларини жалб этиш, гражданларнинг касаначилик меҳнатидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш зарур.

Республикалар, ўлкалар ва областларнинг партия ва совет органлари зиммасига биринчи навбатда жойлардаги мавжуд резервлардан энг кўп даражада фойдаланиш ҳисобига аҳолини моллар ва хизматлар билан таъминлаш учун бутун масъулият юкланди.

Иттифоқдош республикаларга 1986—2000 йилларда озиқ-овқат бўлмаган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат ҳажмини кўпайтириш юзасидан топшириқлар белгиланди.

Енгил ва маҳаллий саноатда, саноатнинг «А» группаси тармоқлари корхоналарида ва хизмат соҳасида буюмларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни мақбул тарзда жойлаштириш ва ихтисослаштиришни таъминлаш кўзда тутилади. Энг зарур ва кўплаб харид қилинадиган хилма-хил оддий моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, республикалар аҳолисининг ана шу молларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

Савдода, умумий овқатланишда ва хизмат соҳасида аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги форма ва методларини жорий этишга, иш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади. Ўлкалар, областлар ва районларда, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ жойларда ана шу тармоқларни ривожлантиришдаги мавжуд фарқларни планли равишда тугатишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Унда аҳоли турмуш укладининг регионал ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинади. Савдо ва хизмат соҳаси объектлари уй-жойлар билан бир вақтда ишга туширилиши, ана шу мақсадлар учун ажратилаётган капитал маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши таъминланади. Хизмат соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш корхоналари ва ташкилотлари кенг жалб этилади.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат соҳасини ривожлантириш юзасидан иттифоқдош республикаларнинг қуйидаги асосий вазифалари белгиланди.

**Россия Совет Федератив Социалистик Республикасида**, айниқса, республиканинг шарқий районларида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига енгил саноат, маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади. Тўқимачилик, тикувчилик ва чарм пойабзал корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантиришга, трикотаж буюмлар ва нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган қувватларни оширишга алоҳида эътибор берилади.

1990 йилда газлама тўқиб чиқариш 9,4 миллиард квадрат метрга ва 2000 йилда 10,9 миллиард квадрат метрга, шу жумладан, газламасимон нотўқима материаллар тайёрлаш 1990 йилда 1074 миллион квадрат метрга, 2000 йилда 1544 миллион квадрат метрга етказилади. 1990 йилда 894 миллион жуфт ва 2000 йилда 924 миллион жуфт пайпоқ, 1990 йилда 922 миллион дона ва 2000 йилда 1400 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 410 миллион жуфт ва 2000 йилда 444 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади.

Саноат ривожланишининг эришилган даражасини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли рўзғор машиналари ва приборлари, спорт билан шуғулланиш, ҳордиқ чиқариш, томорқа ва шахсий ёрдамчи хўжаликда меҳнатни енгиллаштиришга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш жадал кўпайтирилади.

Шарқий районларда, айниқса, БАМ зонасида, шунингдек, қишлоқ жойларда, территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ташкил этилаётган районларда савдо ва маиший хизмат, уй-жой-коммунал хизматни жадал ривожлантириш ва сифатини яхшилаш таъминланади.

Сибирь, Узоқ Шарқ, Ноқоратупроқ, Каспий ва Азов денгизи соҳилларида санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари тармоғи, шунингдек, Шимолий Кавказда ва республиканинг бошқа районларида дам олиш муассасалари, экскурсия-туристик хизмат муассасалари тармоғи жадал ривожлантирилади.

**Украина ССР**да юқори сифатли маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади, ана шу мақсадлар учун оғир саноат ва машинасозлик корхоналарининг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланилади. Корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш ҳисобига 2000 йилда мебель ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилади.

Енгил саноатда калава, газлама, чармдан тайёрланган моллар ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилади. 1990 йилда 1325 миллион квадрат метр газлама, шу жумладан, 218 миллион квадрат метр газламасимон нотўқима материал, 2000 йилда 1572 миллион квадрат метр газлама, жумладан 343 миллион квадрат метр газламасимон нотўқима материаллар ишлаб чиқарилади. 1990 йилда пайпоқ тўқиб чиқариш 460 миллион жуфтга ва 2000 йилда 485 миллион жуфтга, 1990 йилда трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 377 миллион донага, 2000 йилда 564 миллион донага, 1990 йилда пойабзал ишлаб чиқариш 195 миллион жуфтга ва 2000 йилда 213 миллион жуфтга етказилади.

1986—2000 йилларда 50 миллион квадрат метр шойи газлама, 50 миллион квадрат метр зиғир толасидан газлама тўқиб чиқарадиган қувватлар, 100 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган фабрикалар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган фабрика фойдаланишга топширилади.

Транспорт, алоқа, физкультура ва спорт муассасалари хизмати ҳамда туристик-экскурсия хизмати жадал ривожлантирилади. Қора денгиз ва Азов денгизи соҳилларида курорт зонаси кенгайтирилади. Дам олувчиларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

**Белоруссия ССР**да техник жиҳатдан мураккаб буюмлар, шу жумладан, хилма-хил осма қуролли мотоблоклар ишлаб чиқариш ривожлантирилади. Республика учун анъанавий ёғочдан ишланган буюмлар, сопол буюмлар, новдадан, қамишдан ва бошқа материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Юқори сифатли трикотаж буюмлар, пайпоқ ишлаб чиқариш, шунингдек, республикада тўқиб чиқарилган газламаларни шу ернинг ўзида истеъмол қилиш учун ҳамда мамлакатнинг бошқа районларига ва экспорт қилиш учун етказиб бериш мақсадида енгил саноатни ихтисослаштириш давом эттирилади. Зиғир толасини қайта ишлайдиган саноатни жадал ривожлантириш таъминланади.

1990 йилда 500 миллион квадрат метр ва 2000 йилда 737 миллион квадрат метр газлама, 1990 йилда 153 миллион дона ва 2000 йилда 174 миллион дона трикотаж буюм, 1990 йилда 47 миллион жуфт ва 2000 йилда 53 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Газлама, тикув буюмлар, нотўқима материаллар, пойабзал ва унга хом ашё ишлаб чиқарадиган қувватлар кенгайтирилади.

Аҳолига савдо, маиший ва транспорт хизмати яхшиланади, қишлоқ аҳоли пунктлари ва район марказлари ўртасида автобус маршрутлари тармоғи кенгайтирилади. Санаторий-курорт хизматини ривожлантириш учун маҳаллий бальнеологик ресурслардан кенгроқ фойдаланилади.

**Ўзбекистон ССР**да енгил саноатда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларини ва мавжуд меҳнат ресурсларини кенгайтириш ва улардан янада самарали фойдаланиш асосида газлама ишлаб чиқариш 1990 йилда 948 миллион квадрат метрга ва 2000 йилда 1474 миллион квадрат метрга, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 1990 йилда 166 миллион донага ва 2000 йилда 310 миллион донага, пойабзал ишлаб чиқариш 1990 йилда 52 миллион жуфтга ва 2000 йилда 66 миллион жуфтга етказилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати анча яхшиланади.

300 миллион квадрат метр ип газлама, 200 миллион квадрат метр шойи газлама ва 120 миллион квадрат метр нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган қувватлар, тикувчилик ва пойабзал фабрикалари қувватлари, чарм заводи ишга туширилади. Кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда корхоналар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, оғир саноат ва машинасозлик корхоналарида моллар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган цехлар қуриш кўзда тутилади. Жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган хотин-қизлар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга кенг жалб этилади.

Айниқса, қишлоқ жойларда савдо ва умумий овқатланиш, хизмат соҳасини ривожлантириш даражаси оширилади. Аҳолини сув билан таъминлаш яхшиланади, янги водопроводлар қурилади. Санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасалари тармоқларини ривожлантириш давом эттирилади.

Айниқса, Бухоро, Самарқанд ва Хивада тарих ва маданият ёдгорликлари билан таништириш мақсадида туристик ва экскурсия машрутлари ривожлантирилади.

**Қозоғистон ССРда** енгил ва маҳаллий саноат корхоналарини реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, шунингдек, янги корхоналарни қуриш ҳисобига моллар ишлаб чиқарадиган қувватларни ривожлантириш тезлаштирилади. СССР министрликлари ва идораларининг республика территориясида жойлашган корхоналарида маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Аҳолининг кийим-кечак, пойабзал, газлама ва бошқа халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини асосан, ана шу молларни республикада ишлаб чиқариш ҳисобига янада тўлароқ қондириш таъминланади.

(Давоми тўртинчи бетда).

